

ЭКСПЕРТИЗА ТЕКШИРУВИ УЧУН НАМУНАЛАР ОЛИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ МУАММОЛАРИ ВА УЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

Шукурулло С. Агоев¹

*Криминалистика кафедраси, Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирлиги Академияси, Тошкент 100197, Ўзбекистон
0009-0007-9399-6933
agoyevshukurullo@gmail.com*

ПРОЦЕССУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ПОЛУЧЕНИЯ ОБРАЗЦОВ ДЛЯ ЭКСПЕРТНОГО ИССЛЕДОВАНИЯ И ПУТИ ИХ РЕШЕНИЯ

Кафедра криминалистики, Академия Министерства
внутренних дел Республики Узбекистан, Ташкент 100197,
Узбекистан. 0009-0007-9399-6933
agoyevshukurullo@gmail.com
Шукурулло С. Агоев¹

PROCEDURAL PROBLEMS OF OBTAINING SAMPLES FOR EXPERT EXAMINATION AND WAYS TO SOLVE THEM

Department of Criminalistics, Academy of the Ministry of Internal
Affairs of the Republic of Uzbekistan, Tashkent 100197, Uzbekistan
0009-0007-9399-6933
agoyevshukurullo@gmail.com
Shukurullo S. Agoyev¹

Аннотация

Мақолада экспертиза текшируви учун намуналар олиш тергов ҳаракатининг процессуал муаммолари тадқиқ этилган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 188–196 ва 329-моддалари таҳлили асосида олти йўналишдаги норматив бўшлиқ аниқланган: терговга қадар текширув босқичида намуна олишнинг тақиқланганлиги; «оғриқ бермайдиган» ва «кучли оғриқ берадиган» атамаларининг субъективлиги; бир жинсдаги мутахассис талабининг айрим ҳудудларда бажарилмаслиги; намуна олиш субъектининг фақат тиббий мутахассис билан чекланиши; гувоҳнинг намуна олинадиган шахслар қаторига киритилмагани; суднинг намуна олишдаги мустақиллиги таъминланмагани. Тадқиқотда 491 та жиноят иши материаллари ўрганилган, амалиётчилар ўртасида сўровнома ўтказилган ҳамда хорижий давлатлар тажрибаси таҳлил қилинган. Натижада тегишли моддаларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: экспертиза текшируви учун намуналар, тергов ҳаракати, процессуал тартиб, далил мақбуллиги, терговга қадар текширув, Жиноят-процессуал кодекс, гувоҳ, суд мустақиллиги.

Аннотация

В статье исследованы процессуальные проблемы следственного действия по получению образцов для экспертного исследования. На основе анализа статей 188–196 и 329 Уголовно-процессуального кодекса Республики Узбекистан выявлены шесть нормативных пробелов: запрет на получение образцов на стадии доследственной проверки; субъективность терминов «безболезненный» и «причиняющий сильную боль»; невыполнимость требования об однополем специалисте в ряде регионов; ограничение субъекта получения образцов только медицинским специалистом; невключение свидетеля в круг лиц, у которых берутся образцы; необеспеченность самостоятельности суда при получении образцов. В исследовании изучены материалы 491 уголовного дела, проведён опрос практиков и проанализирован опыт зарубежных государств. В результате разработаны конкретные предложения по внесению изменений и дополнений в соответствующие статьи.

Ключевые слова: образцы для экспертного исследования, следственное действие, процессуальный порядок, допустимость доказательств, доследственная проверка, Уголовно-процессуальный кодекс, свидетель, самостоятельность суда.

Abstract

The article examines the procedural problems of the investigative action of obtaining samples for expert examination. Based on the analysis of Articles 188–196 and 329 of the Criminal Procedure Code of the Republic of Uzbekistan, six normative gaps are identified: the prohibition on obtaining samples at the pre-investigation verification stage; the subjectivity of the terms “painless” and “causing severe pain”; the impracticability of the same-sex specialist requirement in a number of regions; the limitation of the sample-collecting subject to a medical specialist only; the non-inclusion of the witness in the circle of persons from whom samples are taken; and the lack of court independence in obtaining samples. The study examined the materials of 491 criminal cases, conducted a survey of practitioners and analyzed the experience of foreign states. As a result, specific proposals for amending and supplementing the relevant articles were developed.

Keywords: samples for expert examination, investigative action, procedural order, admissibility of evidence, pre-investigation verification, Criminal Procedure Code, witness, court independence.

1. Кириш (Introduction)

1.1. Мавзунинг долзарблиги

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги 24-сонли қарорида қонун нормаларини бажаришдан

ҳар қандай чекиниш, у қандай сабабга кўра юз берганидан қатъи назар, шу йўл билан олинган далилларнинг номақбул деб топилишига олиб келиши белгилаб берилган. Бу қоида экспертиза текшируви учун намуналар олиш тергов ҳаракатига ҳам тааллуқли бўлиб, намуна олиш жараёнидаги процессуал хатолар экспертиза хулосасининг бекор қилинишига бевосита сабаб бўлиши мумкин.

Ҳолбуки, амалдаги Жиноят-процессуал кодексининг 188–196-моддаларида белгиланган намуналар олиш тартиби бир қатор жиҳатлардан замонавий тергов амалиётининг талабларига жавоб бермаяпти. Шу боис ушбу тергов ҳаракатининг процессуал тартиби билан боғлиқ долзарб муаммоларни илмий таҳлил қилиш ва асослантирилган таклифлар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

1.2. Муаммонинг қўйилиши

Намуналар олиш билан боғлиқ норматив тартибни ўрганиш натижасида олти йўналишдаги муаммо аниқланди: терговга қадар текширув босқичида намуна олишнинг тақиқланганлиги; намуна олишда қўлланиладиган «оғрик бермайдиган» ва «кучли оғрик берадиган» атамаларининг субъективлиги; яланғочлаш билан боғлиқ намуна олишда бир жинсдаги мутахассис талабининг айрим ҳудудларда бажарилмаслиги; намуна олиш субъектининг фақат тиббий мутахассис билан чекланиши; гувоҳнинг намуна олинадиган шахслар қаторига киритилмагани; ҳамда суднинг намуна олишдаги процессуал мустақиллиги таъминланмагани. Ушбу муаммоларнинг ҳар бири тергов амалиётида аниқ қийинчиликларга сабаб бўлмоқда.

1.3. Тадқиқот мақсади ва вазифалари

Тадқиқот мақсади — экспертиза текшируви учун намуналар олиш тергов ҳаракатининг процессуал тартибидаги норматив бўшлиқларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича қонунчиликка киритиладиган таклифларни ишлаб чиқишдан иборат. Тадқиқот вазифалари: мавжуд процессуал муаммоларни эмпирик материаллар асосида аниқлаш; уларга нисбатан шаклланган илмий ёндашувларни таҳлил қилиш; хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш ва Жиноят-процессуал кодексининг тегишли моддаларига аниқ таҳрирларни таклиф этиш.

2. Материаллар ва усуллар (Methods)

2.1. Тадқиқот методологияси

Тадқиқотда қиёсий-ҳукукий усул Ўзбекистон, Россия, Қозоғистон, Беларусь, Қирғизистон, Германия, АҚШ ва Эстония қонунчилигини солиштириш учун қўлланилди. Эмпирик усул жиноят ишлари материалларини ва амалиётчилар сўровномасини таҳлил қилишда ишлатилди. Ҳукукий-таҳлилий усул орқали ЖПК нормаларидаги ноаниқликлар ва коллизиялар

аниқланди, тизимли усул эса муаммоларни ягона тузилмада умумлаштиришга имкон берди.

2.2. Материаллар ва тадқиқот босқичлари

Тадқиқотда Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси, Олий суд Пленумининг 24-сонли қарори, хорижий давлатларнинг жиноят-процессуал кодекслари, олимларнинг илмий асарлари ҳамда суд-тергов амалиёти материаллари ўрганилди. Эмпирик база сифатида 491 та жиноят иши материаллари таҳлил қилинди, шунингдек тергов органлари ходимлари, прокурорлар ва судьялар ўртасида сўровнома ўтказилди. Тадқиқот аввал назарий ва норматив таҳлил, сўнг эмпирик маълумотларни тўплаш ва умумлаштириш, охирида таклифларни ишлаб чиқиш босқичларида амалга оширилди.

3. Натижалар (Results)

Ўтказилган таҳлил намуналар олиш тергов ҳаракатининг процессуал тартибида олти йўналишдаги муаммони аниқлади. Ҳар бир муаммо норматив таҳлил, жиноят ишлари материаллари ва амалиётчилар сўровномаси орқали тасдиқланди.

3.1. Терговга қадар текширув босқичида намуна олишнинг тақиқланиши

ЖПКнинг 329-моддаси иккинчи қисмида терговга қадар текширув босқичида экспертиза ўтказишга рухсат берилган, аммо намуна олиш тергов ҳаракатини ўтказиш ман этилган. Ваҳоланки, экспертиза ва намуна олиш чамбарчас боғлиқ бўлиб, аксарият ҳолларда намунасиз экспертиза ўтказиш имконсиздир. Масалан, гиёҳвандлик воситасини истеъмол қилишда гумон қилинаётган шахс организмидаги модда қон ва сийдикда бир неча соат ёки кун ичида парчаланиб, аниқлаб бўлмайдиган даражага етиб қолади. Ўрганилган 491 та жиноят ишидан 26 тасида айнан шу сабабли намуналар ўз вақтида олинмаган ва иш учун аҳамиятли далиллар йўқолган. Сўровномада иштирокчиларнинг 92 фоизи мазкур чеклов далилларни ўз вақтида тўплашга тўсқинлик қилаётганини, 87 фоизи эса ушбу босқичда намуна олишни қонунлаштириш зарурлигини маълум қилган.

3.2. «Оғриқ бермайдиган» ва «кучли оғриқ берадиган» атамаларининг субъективлиги

ЖПКнинг 192, 194 ва 196-моддаларида намуна олишда бир вақтнинг ўзида «оғриқ бермайдиган» ва «кучли оғриқ берадиган» деган икки хил мезон ишлатилган, аммо улар ўртасидаги чегара белгиланмаган. Амалиётда қон, соч ва тирноқ каби намуналарни оғриқсиз олишнинг имкони йўқ: масалан, вена томиридан қон олишда игна санчилади ва шахс беихтиёр оғриқ сезади. Оғриқни ўрганиш бўйича халқаро ассоциация таърифига кўра оғриқ субъектив сезги ва

ҳиссий кечинма бўлиб, уни объектив ўлчаб бўлмайди. Сўровномада иштирокчиларнинг 81 фоизи ушбу атамаларнинг субъектив характери амалиётда турли талқинларга олиб келаётганини тасдиқлаган.

3.3. Бир жинсдаги мутахассис талабининг бажарилмаслиги

ЖПКнинг 196-моддаси иккинчи қисмида яланғочлаш билан боғлиқ намуна олишда шифокор, мутахассис ва холислар намуна олинувчи шахс билан бир жинсда бўлиши талаб этилади. Бироқ жинсий эркинликка қарши жиноятлар бўйича аёл жабрланувчидан намуна олишда, масалан бор-йўғи тўрт нафар аёл эксперт ишлайдиган Қашқадарё ёки уч нафар аёл эксперт фаолият юритаётган Жиззах вилоятида бу талабни бажариш амалда имконсиз бўлиб қолмоқда. Натижада сўровнома маълумотларига кўра бундай намуналар қарийб 90–95 фоиз ҳолатларда эркак мутахассис томонидан олинмоқда. 491 та жиноят ишидан 144 тасида бир жинсдаги мутахассис йўқлиги сабабли қонун талаби бажарилмаган ва бу намуналарнинг далилий аҳамиятига салбий таъсир кўрсатган. Сўровномада иштирокчиларнинг 83 фоизи бу талабни доимо таъминлаш мумкин эмаслигини билдирган.

3.4. Намуна олиш субъектининг фақат тиббий мутахассис билан чекланиши

ЖПКнинг 189-моддаси иккинчи қисмида «алоҳида касб маҳорати»ни талаб қиладиган ҳолатларда фақат шифокор ёки бошқа тиббий мутахассиснинг иштироки белгиланган. Бироқ рақамли технологиялар асрида инсон танасига ўрнатилган электрон ташувчилардан (тери ости микрочиплари, хотирали кардиостимуляторлар, бионик имплантантлар) рақамли излар олиш ахборот технологиялари, кибернетика ёки муҳандислик мутахассисларининг иштирокини талаб қилади. Норма матнининг фақат тиббий мутахассис билан чекланиши бундай ҳолатларга тўсқинлик қилмоқда. 491 та жиноят ишидан 3 тасида тиббиётга алоқаси бўлмаган мутахассис иштироки зарур бўлган, бироқ норма бунга йўл бермагани сабабли тергов ҳаракати умуман ўтказилмаган. Сўровномада иштирокчиларнинг 66 фоизи норманинг эскирганини эътироф этиб, тегишли соҳа мутахассисларини жалб қилишга рухсат бериш шартлигини билдирган.

3.5. Гувоҳнинг намуна олинадиган шахслар қаторига киритилмагани

ЖПКнинг 190-моддасида гувоҳ намуна олинадиган субъект сифатида тўғридан-тўғри кўрсатилмаган, бу эса «гувоҳдан намуна олиш мумкинми ёки йўқми?» деган ноаниқликни юзага келтиради. Амалиётда гувоҳнинг овоз ёки бошқа идентификацион намуналарини олиш зарурати бўлса-да, ҳукуқий асоснинг аниқ эмаслиги қийинчилик туғдирмоқда. Сўровномада иштирокчиларнинг 54 фоизи гувоҳни намуна олинадиган шахслар қаторига киритиш таклифини ижобий баҳолаб, бу норма тергов сифатини оширишини,

31 фоизи эса намуна олиш билан боғлиқ процессуал асосларни мустаҳкамлашини маълум қилган.

3.6. Суднинг намуна олишдаги мустақиллиги таъминланмагани

ЖПКнинг 188-моддасида судга намуна олиш ваколати берилган, аммо унинг ўтказилиш тартиби ва баённома расмийлаштириши 193-моддада фақат тергов органлари кесимида белгиланган. Бу процессуал коллизияни юзага келтиради. 491 та жиноят ишидан 37 тасида суд муҳокамаси жараёнида намуна олиш зарурати туғилган; судлар бу ҳаракатни мустақил ўтказганлари ҳолда аниқ тартибнинг йўқлиги баённома тузишда хатоларга йўл қўйилишига ва эксперт хулосалари мақбуллигининг шубҳа остида қолишига сабаб бўлган. Сўровномада иштирокчиларнинг 52 фоизи суднинг намуна олиш ваколатини ЖПКда аниқ белгилаш мақсадга мувофиқлигини тасдиқлаган.

4. Муҳокама (Discussion)

4.1. Илмий ёндашувлар ва муаллиф позицияси

Терговга қадар текширув босқичида намуна олиш масаласида олимлар уч гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳ (В.А. Семенцов, В.М. Быков, А.В. Кудрявцева) жиноят иши қўзғатилмасдан туриб намуна олиш шахс ҳуқуқларини бузиши мумкинлигини таъкидлаб, бундай имкониятга қарши чиқади. Иккинчи гуруҳ (И.Л. Петрухин, В.М. Савицкий) ихтиёрий намуна олишга йўл қўйишни тўғри деб билади, бироқ шахс намуна беришдан бош тортган ҳолатларни тўлиқ кўриб чиқмайди. Учинчи гуруҳ (Л.В. Головкин, Б.Т. Безлепки, М.Д. Ботаев) эса вақт омилининг ҳал қилувчи аҳамиятини ва баъзи намуналар вақт ўтиши билан йўқолишини инобатга олиб, бу босқичда намуна олишни зарур деб ҳисоблайди. Муаллиф учинчи гуруҳ позициясини қўллаб-қувватлайди, чунки айнан шу ёндашув амалиётдаги эҳтиёжларни тўлиқ инобатга олади.

«Оғрик» атамалари масаласида С.А. Шейфер, А.П. Рыжаков ва О.И. Цоколова оғрикнинг субъективлиги сабабли уни қонуний мезон сифатида белгилаш асоссизлигини кўрсатган. В.М. Корнуков ва З.З. Зинатуллин эса тиббий стандартларга таянишни таклиф этган. Муаллиф фикрича, иккала атама ҳам мазмунан зид ва субъектив бўлгани боис уларни алоҳида аниқлаштириш эмас, балки иккаласини бирга олиб ташлаб, объектив тиббий мезон белгилаш зарур.

Бир жинсдаги мутахассис талаби бўйича А.В. Смирнов, К.Б. Калиновский, И.Л. Петрухин, У.А. Тўхташева ва З.Ф. Иноғомжонова шахснинг руҳий дахлсизлиги ва кадр-қимматини ҳимоя қилишни биринчи ўринга қўяди, аммо айрим ҳудудларда тегишли жинсдаги ходимнинг умуман топилмаслиги каби объектив омилни эътибордан четда қолдиради. С.Б. Россинский ва В.А. Семенцов истисно ҳолатларда розилик асосида ўзга жинсдаги шифокор иштирокига йўл қўйиш мумкинлигини билдиради. Ю.Г. Торбин, Е.П. Ищенко,

А.А. Тарасов, К.А. Плясов ва О.Я. Баев эса бажариб бўлмайдиган талаб ҳуқуқий қафолат эмас, балки одил судловга қўйилган сунъий тўсиқ эканлигини асослаб, тиббиёт ходимларини жинс бўйича чекловдан озод этишни таклиф этади. Муаллиф ушбу позицияни қўллаб-қувватлайди.

Намуна олиш субъекти масаласида В.В. Вандышев, О.В. Хитрова ва А.В. Победкин шахс жисмоний дахлсизлигини ҳимоя қилишни устун қўйиб, тиббий бўлмаган мутахассисларни жалб этишга қарши чиқади. В.А. Семенов, Д.М. Миразов, Е.Р. Россинская ва В.Б. Вехов эса бионик ва ахборот ташувчи қурилмалардан намуна олиш техник мутахассис малакасини талаб қилишини, шу боис нормани замонавийлаштириш зарурлигини кўрсатади. Гувоҳдан намуна олиш масаласида Ғ.А. Абдумажидов, Б.А. Миренский, Ж.М. Рахмонов ва С.М. Рахмонова гувоҳни намуна олинадиган субъектлар қаторига киритиш ҳам терговнинг холислигини, ҳам гувоҳнинг ўзини асоссиз шубҳалардан ҳимоя қилишни таъминлашини асослаган. Суднинг мустақиллиги масаласида эса В.В. Кальницкий, Ю.В. Францифоров, З.Ф. Иноғомжонова ва Д.Б. Базарова судга намуна олишнинг бевосита процессуал тартибини бериш зарурлигини, акс ҳолда суд тергов органига қарам бўлиб қолишини кўрсатган.

4.2. Хорижий давлатлар тажрибаси

Қиёсий таҳлил кўрсатадики, қўллаб давлатлар қонунчилигида бу муаммолар аллақачон ҳал этилган. Қозоғистон, Россия ва Германияда терговга қадар текширув босқичида намуна олишга рухсат берилган. Россия (202-модда) ва Беларусь (234-модда) кодексларида «оғрик бермайдиган» талаби умуман мавжуд эмас. Қозоғистон (227-модда), Қирғизистон (174-модда), Россия (179-модда) ва Беларусь (206-модда) тиббиёт ходимларини жинс бўйича чекловдан истисно қилган. Германия (81а-параграф), АҚШ ва Эстония (95-модда) танадаги рақамли ташувчилардан намуна олишда тиббий бўлмаган техник мутахассисларнинг иштирокига йўл қўяди. Гувоҳни намуна олинадиган шахслар рўйхатига Қозоғистон (229-модда) ва Россия (202-модда) киритган. Суднинг намуна олишдаги мустақиллиги эса Германия (81а, 81г-параграфлар), Россия (202-модда), Эстония ва Қозоғистон амалиётида мустаҳкамланган.

4.3. Қонунчиликка киритиладиган таклифлар

Эмпирик маълумотлар, илмий ёндашувлар ва хорижий тажриба асосида ЖПКнинг тегишли моддаларига қуйидаги ўзгартиришлар таклиф этилади:

329-моддаси иккинчи қисмига терговга қадар текширув давомида экспертиза текшируви учун намуналар олиш имкониятини киритиш;

192-модда биринчи қисмидан, 194-модда иккинчи қисмидан «оғрик бермайдиган» сўзларини, 196-модда биринчи қисмидан эса «кучли оғрик берадиган» сўзларини олиб ташлаш;

196-модда иккинчи қисмини намуна олиш яланғочлаш билан боғлиқ бўлганда тиббиёт ходимларини жинс бўйича чекловдан истисно қиладиган таҳрирда баён этиш;

189-модда иккинчи қисмидаги «шифокор ёки бошқа тиббий мутахассис» сўзларини «шифокор ёки бошқа тегишли мутахассис» сўзлари билан алмаштириш;

190-модда биринчи қисмига намуна олиниши мумкин бўлган шахслар қаторига гувоҳни киритиш;

193-моддага суд томонидан намуна олишнинг аниқ процессуал тартибини — мутахассисни жалб этиш, ҳаракатни суд мажлиси баённомасида акс эттириш ва намуналарни муҳрлаш қоидаларини — киритиш.

Жумладан, 190-моддани қуйидаги таҳрирда баён этиш мақсадга мувофиқ: «Эксперт текшируви учун намуналар гумон қилинувчидан, айбланувчидан, судланувчидан, жабрланувчидан, гувоҳдан, шунингдек тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш бўйича устидан иш юритилаётган шахсдан олиниши мумкин». Бундай ўзгартиришлар намуналарнинг далилий кучини кафолатлаш билан бирга, тергов органларининг процессуал имкониятларини кенгайтиради.

5. Хулоса (Conclusion)

Тадқиқот шуни кўрсатдики, экспертиза текшируви учун намуналар олиш тергов ҳаракатининг процессуал тартибида олти йўналишдаги норматив бўшлиқ мавжуд бўлиб, улар тергов амалиётида жиддий қийинчиликларга сабаб бўлмоқда. Ўрганилган 491 та жиноят иши материаллари, амалиётчилар ўртасида ўтказилган сўровнома натижалари ҳамда олимларнинг қарашлари бу муаммоларнинг нафақат назарий, балки амалий аҳамиятга эга эканлигини тасдиқлади.

Аниқланган муаммоларни бартараф этиш мақсадида ЖПКнинг 189, 190, 192, 193, 194, 196 ва 329-моддаларига аниқ ўзгартириш ва қўшимчалар ишлаб чиқилди. Хорижий давлатлар тажрибаси кўрсатдики, бу ечимлар шахс ҳуқуқларини бузмаган ҳолда, аниқ процессуал кафолатлар белгилаш орқали амалга оширилиши мумкин.

Таклиф этилаётган ўзгартиришларнинг амалга оширилиши терговнинг самарадорлигини оширади, шахс ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлайди ҳамда экспертиза хулосаларининг далилий кучини таъминлашга хизмат қиладди. Бу эса намуналар олиш институтини замонавий тергов амалиёти ва рақамли технологиялар талабларига мувофиқлаштиришнинг муҳим қадами бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар (References):

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги 2018 йил 24-сонли қарори.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (188–196, 329-моддалар). — Тошкент: Адолат, 2024.
3. Семенцов В.А. Следственные действия в досудебном производстве. — Москва: Юрлитинформ, 2019. — С. 88–104.
4. Головкин Л.В. Курс уголовного процесса. 2-е изд. — Москва: Статут, 2017. — С. 712–730.
5. Шейфер С.А. Следственные действия. Основания, процессуальный порядок и доказательственное значение. — Москва: Юрлитинформ, 2015. — С. 145–161.
6. Смирнов А.В., Калиновский К.Б. Уголовный процесс: учебник. — Москва: Норма, 2018. — С. 402–418.
7. Россинская Е.Р. Судебная экспертиза в гражданском, арбитражном, административном и уголовном процессе. — Москва: Норма, 2020. — С. 256–274.
8. Абдумажидов Ғ.А. Жиноятларни тергов қилиш: назарий ва процессуал муаммолар. — Тошкент: ТДЮУ, 2017. — Б. 188–205.
9. Лазарева В.А. Доказывание в уголовном процессе: учебно-практическое пособие. — Москва: Юрайт, 2019. — С. 167–183.
10. Қозоғистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (14, 227, 229-моддалар) ҳамда Россия Федерациясининг Жиноят-процессуал кодекси (144, 179, 202-моддалар).